

## Гуруҳ мураббийлари ижарадаги талабалар хонадонида

"Ер ресурсларини бошқариш" факультетида фаолият олиб бораётган гуруҳ мураббийлар, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳолати, дарсдан кейин бўш вақтларини қай тартибда ташкил этилганлиги ва яшаш аҳволини мунтазам ўрганиш ва керакли амалий ёрдам бериш мақсадида ижарада яшаётган талабалар хонадонларига боришди.

Ҳар бир гуруҳ мураббийлари ўзларига бириктирилган гуруҳидаги ижарада истиқомат қилаётган талабалар хонасига бориб, хусусан, дам олиш, овқатланиш, дарс тайёрлаш учун шароитларнинг мавжуд ёки йўқлигини назоратдан ўтказдилар ва аксинча шароит мавжуд бўлмаган талабаларга амалий ёрдам бердилар. Белгиланган вазифалар бўйича ҳар чорак мунтазам ўрганиш учун хонадон соҳиби билан келишиб олинди.



**ЕРБ факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини Ҳуррият Эшова ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**